



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУЗ

### АСТА NUUZ

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2022  
1/3**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фналар  
туркуми**

Бош мухаррир:

**И.У.МАДЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош мухаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

**Сагдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.

**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.

**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.

**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.

**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.

**Муртазаева Р.Х.** – т.ф.д., проф.

**Мўминов А.Г.** – с.ф.д., проф.

**Нишонова О.Ж.** – ф.ф.д., проф.

**Абдуллаева Н.Б.** – ф.ф.д., проф.

**Мадаева Ш.О.** – ф.ф.д., проф.

**Туйчиев Б.Т.** – ф.ф.д., проф.

**Утамурадов А.** – ф.ф.н., проф.

**Ахмедов Х.А.** – с.ф.д.

**Мирзаахмедов К.М.** – с.ф.ф.д., PhD.

**Мухаммадова Д.Г.** – псих.ф.д.

**Болтабоев Ҳ.** – фил.ф.д., проф.

**Рахмонов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Жабборов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Сиддиқова И.А.** – фил.ф.д., проф.

**Садуллаева Н.А.** – фил.ф.д., доц.

**Арустамян Я.Ю.** – фил.ф.д., доц.

**Пардаев З.А.** – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2022**

<b>Сапарова Г.</b> Миллий ўзликни англашнинг методологик воситалари.....	155
<b>Собирова Ш.</b> Талабаларнинг мустақил таълим жараёни мобайнида интернет технологияларидан фойдаланиш қобилиятларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида .....	158
<b>Tangirberdiyev Sh., Mamadaliyev S.</b> Yoshlarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda pedagogik shart-sharoitlarning ahamiyati .....	161
<b>Темиров Ш.</b> Мактабгача таълим ташкилотларида ўтказиладиган жисмоний тарбия дарсларини кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбияси билан интеграцияси услуги ва хусусиятлари .....	164
<b>Tuxtashev U.</b> Raqamli iqtisodiyot sharoitida talabalarni ma'naviy-ahloqiy tarbiyalashda xorijiy davlatlar tajribasi.....	167
<b>Umarova G.</b> Maktabgacha yoshdag'i bolalarning estetik madaniyatini shakllantirish .....	170
<b>Urdushev A.</b> Ixtisoslik fanlarini o'qitish jarayonida talabalarning raqobatbardoshligini shakllantirish modeli .....	173
<b>Утемуратова З.</b> Пространство дидактики и способа преподавания русского языка для студентов .....	177
<b>Хайруллаева Д.</b> Ўқиши компетенциясини акт воситасида такомиллаштиришда гиперматн вазифалари .....	180
<b>Xomidjonov J.</b> "Rentgen nurlarining tibbiyotdag'i ahamiyati" mavzusini kredit modul tizimida o'qitish.....	183
<b>Хошимхонов М.</b> Халқ таълими ва олий таълимда Машраб шеърларини ўрганиш услублари .....	186
<b>Хусанов Э.</b> Қадимги Ўрта Осиёда тарбиявий масалалар доирасида экологик маданият муаммоси .....	189
<b>Hayitov U.</b> Ta'limning innovatsion texnologiyalarga qo'yadigan talab va tamoyillari .....	193
<b>Eshboyeva D.</b> Using songs to teach english to preschoolers.....	197
<b>Филология</b>	
<b>Абдуллаева М.</b> Бобурнома" ва "Шажарайи турк"даги муштарақликлар .....	200
<b>Аҳмаджонова О.</b> Адабиётшуносликда психофизиологик ҳолат ва унинг талқини .....	203
<b>Гаффоров Н.</b> Айрим спорт терминларининг структур-семантик таснифи ва таснифи .....	206
<b>Дадажонов О.</b> Немис маърифатпарварлик драмасида қаҳрамон характери талқини .....	209
<b>Деконова М.</b> Ўзбек адабий танқидчилиги тараққиётига бир назар .....	212
<b>Zoigrova A.</b> The stylistic similarity of the writer and the translator in the translation of the novel "Cornina or Italy".....	214
<b>Ибрагимов Ш.</b> Телевидениеда шарҳ ва шарҳловчи .....	217
<b>Икромалиева С.</b> Узбекские народные пословицы служат обогащению человеческого мышления.....	220
<b>Исматов С.</b> Межкультурно-коммуникативные функции художественного перевода .....	223
<b>Komolova Sh.</b> O'zbek va nemis tillarida paremiologiyaning o'rGANilishi .....	227
<b>Kuchkarov T., Tuylanov B.</b> "Shiroq" rivojoti va uning tarixiy-genetik asoslari .....	230
<b>Qahharova S.</b> "Yurmoq" fe'lining semantik tahlili .....	234
<b>Қосимов А.</b> Фарбий Європа романтизм адабиётидаги мифологизмлардан фойдаланиш хусусида .....	237
<b>Курбонова Г.</b> Нурали Қобул ижодида ҳайвонот олами ва инсон муносабатининг бадиий талқини .....	240
<b>Мавлянов С.</b> Дипломатик фаолият, дипломатия тили ва унинг терминологик таркиби (дипломатик услуг расмий услубнинг кўйи услуби сифатида) .....	244
<b>Mansurova N.</b> Ingliz tilida boshqaruvin terminologiyasiga oid terminlarning asosiy morfologik va morfologik-sintaktik so'z yasash usullari .....	248
<b>Махмудова Ф.</b> Саид Аҳмад ҳажвияларида ёрдамчи сўз туркумларининг нутқий воқеланиши .....	251
<b>Murodova D.</b> America description in The Pioneers by James Fenimore Cooper .....	255
<b>Мустафоқурова М.</b> Инглиз тилидан ўзбек тилига таржимада "sly" яъни "айёр, маккор" сифатининг коннотатив маъносидаги ижобий, нейтрал ва салбий маъноларда ифодаланиши .....	257
<b>Намазова М.</b> Амир Худойберди ижоди босқичлари .....	260
<b>Низамова М.</b> Развитие проблематики раннего творчества У. Голдинга в романах 1970-80-х годов .....	263
<b>Рахимова М.</b> Эссе матнида синонимларининг услубий кўлланиш имкониятлари .....	266
<b>Safarova D.</b> Transatlantic Vector in the works of Ernest Hemingway .....	269
<b>Sultanova Sh.</b> Tilshunoslikda lingvistik terminlarning qiyosiy tahlili .....	272
<b>Суюнов Б.</b> Тиллароро ташки тиббий лакунар бирликлар .....	274
<b>Тиловова Г.</b> Немис ва ўзбек тилларида дендронимларнинг этимологик таснифи .....	277
<b>Тўраева Б.</b> Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигига хронотоп категориясининг ўрганилиши .....	280
<b>Узакова Г.</b> Дискурсальный анализ фразеологических единиц .....	283
<b>Umarova N., Mahmudova O.</b> Tilshunoslikda leksik ma'no va tushunchaning umumiy va xususiy xarakterlanishi .....	286
<b>Khudayberdiyeva G.</b> Psychological mastery in the novels of J. K. Rowling .....	289
<b>Хўжамуродова О.</b> Антропонимлар таркибида гул лексемаси ва унинг лисоний ва нолисоний омиллари ва хусусиятлари .....	292
<b>Хожиева Г.</b> Француз ва ўзбек тилларидаги санъат терминларининг лингвомаданий хусусиятлари таҳлили .....	295
<b>Хошимхонов М.</b> Ўзбек шоири машраб ижодининг хорижда ўрганилишига доир қайдлар .....	298
<b>Sharipova M.</b> "Qo'y" LMGi asosida shakllangan o'zbek xalq maqollarida metaforizatsiyalashuv .....	301
<b>Sherqulov S.</b> Uilyam Folknerning "Shovqin va g'azab" romanida fojeaviylik .....	304
<b>Eshboyev Q.</b> Akademik lug'atlarda ma'noviy darajalanish talqini .....	307
<b>Юлдошева Н.</b> Содда гап қолиллари воқеланишига таъсир килувчи акцентуатив омиллар .....	310



Гулчехра ҲОЖИЕВА,  
Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Бухоро давлат университети доценти, ф.ф.ф.д.(PhD) М.Б. Аҳмедова тақризи асосида

## ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ САНЬЯТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

### Аннотация

Мазкур мақолада терминологиянинг соҳа сифатида фанга кириб келиши ҳакида сўз боради. Шунингдек, бу борада хориж ва ўзбек олимлари томонидан яратилган тадқиқотлар ҳамда терминология соҳасидаги изланишлар, қолаверса, француз ва ўзбек тилларида санъатга доир терминларнинг лингвомаданий хусусиятлари ҳакида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Терминология, термин, терминшунослик мактаблари, санъат терминлари, ҳалкаро маданий алоқалар, чолғу асблоблари, доира, фижжак, дутор, сурнай, карнай, девон, дуторчи, мўйқалам.

## АНАЛИЗ ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ ИСКУССТВЕННЫХ ТЕРМИНОВ ФРАНЦУЗСКОГО И ЎЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ

### Аннотация

В данной статье рассматривается проникновение терминологии в науку как область. В нем также обсуждаются исследования зарубежных и узбекских ученых и исследования в области терминологии, а также лингвокультурные особенности художественных терминов на французском и узбекском языках.

**Ключевые слова:** Терминология, термин, терминологические школы, художественные термины, межкультурные связи, музыкальные инструменты, тамбурун, гиджак, дутар, сурнай, карнай, девон, дутарист, кисть.

## ANALYSIS OF LINGUOCULTURAL FEATURES OF ART TERMS IN FRENCH AND UZBEK LANGUAGES

### Annotation

This article discusses the penetration of terminology into science as a field. It also discusses research by foreign and Uzbek scholars and research in the field of terminology, as well as the linguocultural features of art terms in French and Uzbek.

**Key words:** Terminology, term, schools of terminology, art terms, international cultural relations, musical instruments, tambourine, fiddle, dutar, trumpet, devon, paintbrush.

**Кириш.** Тил – инсон маънавий оламида унинг ўзлигини англаш йўлидаги энг буюк кашфиётидир. Зеро инсон даврлар мобайнида тилни тадқиқ килас экан, унинг турли ва янги кирраларини кашф этиб боради.

Шу тариқа “тилшунослик” деб аталувчи лисоний бирлик ва унинг ўзига хос хусусиятларидан ташкил топган улкан “пирамида” бунёдга келган ва ҳали-хамон унинг қирралари кенгайиб бормоқда десак, адашмаймиз.

Тилшунослик соҳа сифатида тадқиқ этилар экан, терминология унинг муҳим бўғини сифатида ажралмас қисмига айланди. “Терминология” терминига фанда турлича таърифлар мавжуд:

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Терминология соҳасида узок йиллар мобайнида кўплаб дунё олимлари ўз тадқиқотларини ўртоқлашдилар. Унинг фан сифатида таркиб топиши австриялик олим О.В.Нубасов ва рус олими Д.С.Лоттенинг 1930 йилда эълон қилинган дастлабки ишларига бориб тақалади. Ҳозирги пайтда Австрия, Германия, Франция, Россия, Чехия каби мамлакатларда терминшунослик мактаблари юзага келган [11].

Бундан ташқари рус олимларидан, В.Г.Гак, О.С.Ахманова, С.О.Карцевский, В.В. Антимирова, В.А.Татаринов, А.Л.Абрамян, Б.Н.Головин, Р.Ю.Кобрин, В.П.Даниленко, М.А.Марусенко, А.А.Стрельцов, Н.М.

Голубева-Монаткина, француз олимларидан Ф.де Соссюр, ўзбек олимларидан М.Холбеков, П.Нишонов, О.Аҳмедов, Ж.Бўронов, М.Бўронова, М.Тошибоева, Х.Дадабоев, М.Умархўжаев, Н.Қамбаров, Д.Ходжаева, [7], М.Жўраева, [2] ва Н.Кулдошованинг илмий ишлари [3] алоҳида аҳамиятга молик.

Ф.де Соссюр билан бирга француз олимларидан, Ги Рондо (Guy Rondeau, Introduction à la terminologie, Boucherville, Québec, Gaëtan Morin, 2e éd., 1984, 238 p.), Мария Тереза Кабре Каствели (Maria Teresa Cabré Castellvi, La terminologie. Théorie, méthode et applications, Paris, Armand Colin, 1998, 322 p.), Мари-Клод Лом (Marie Claude l'Homme, La terminologie. Principes et techniques, Presses de l'université de Montréal, 2004, 278 p.) сингари олимларнинг тадқиқотлари [14] ҳам долзарблек касб этади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот давомида ўзбек ва француз изоҳли луғатларида мусиқа ҳамда санъатга оид терминларнинг лексик-семантик ва миллӣ-маданий хусусиятларини таҳлил этиш баробарида аникланган бир неча ўзига хосликларни қўйидаги жадвалларда ҳам кузатишимииз мумкин:

жадвал-1

№	ўзбек тилида	француз тилида
	асбоб	1) instrument m; 2) outil m; 3) ustensile m; 4) matériel m; 5) outillage m; 6) installation f; 7) objet m;

2.	асбоб-ускуна	1) outillage m; 2) installation f; 3) équipement m; 4) appareillage m;
3.	ашё	1) objet m; 2) chose f; 3) ustensile m; 4) affaire f; 5) effet m; 6) matière f.

Юкорида берилган мисолларда ўзбек тилидаги “асбоб”, “асбоб-ускуна” ва “ашё” сўзлари француз тилида маъно жиҳатдан ўзаро синоним бўлиб келмоқда. Чунки, 1- ва 3- мисоллардаги “ustensile”, “objet” ҳамда 1- ва 2- мисоллардаги “installation”, “outillage” сўзлари бир маънони ифодаламоқда. Бундан келиб чиқадики, ҳар иккала тилда бир маънони бир неча усулда ифодалаш мумкин:

чолғу асбоблари instruments de musique;  
музикий асбоб-ускуналар équipement musical;  
музикий ашёлар ustensiles musicaux.

#### жадвал -2

№	ўзбек тилида	француз тилида	ўзбек мусика асбоблари	француз мусика асбоблари
	доира	tambourin m.		
2.	ғижжак	violon m.		

Ушбу мисолларда келтирилган мусика асбоблари ўзбек ва француз тили миллий-маданий хусусиятидан келиб чиқсан бўлиб, ҳар иккала халиқда мавжуд бир-бирига жуда ўхшаш ашёлар номлари ўзаро эквивалентлик ҳосил қилган.

**Тахлил ва натижалар.** Тилшунослиқда қўшма сўз шаклидаги атамалар икки ва ундан ортиқ мустақил маъноли сўзларнинг бирикишидан ҳосил қилинади.

Содда сўздан фарқли равища “қўшма сўзлар”лар баъзан тувилиши жиҳатидан сўз бирикмаларига ўхшаса ҳам, улар яхлит маъноси билан ажралиб туради: темир йўл, гултоҳихўрор, чинни гул, кўлёзма каби [1] ва баъзи қўшма сўзлар маъносини уларнинг қисмларини ташкил этган сўзлар маъноси билан асослаб бўлмайди. Шунингдек, қўшма сўзлар бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш воситасида ҳам ясалиши мумкин.

#### жадвал-3.

№	ўзбек тилида	француз тилида
	автопортрет	autoportrait m
	босмахона	imprimérie f
	дарсхона	salle f de classe
	камол топмок	toucher à la perfection
	касб этмоқ	Acquérir
	киноаппарат	appareil m cinématographique
	киножурнал	ciné-journal m
	кинофестивал	festival m de cinéma festival m du film
	кинохикоя	scénario m
	киностудия	studio m de cinéma
	кинотеатр	1) salle f de cinéma 2) cinématographe m 3) cinéma m 4) ciné m
	кинохона	salle f de cinéma
	мўйқалам	pinceau m de poils
	нағис адабиёт	belles-lettres

Мазкур мисоллар тахлили шуни кўрсатадики, автопортрет, киноаппарат, киножурнал, кинофестивал, киностудия ҳамда кинотеатр сўзлари рус тили орқали тўла ўзлашган атамаларга, кинохикоя, кинохона, босмахона, дарсхона, мўйқалам сингари терминлар рус ва тоҷик тилларидан қисман ўзлашган бирликларга мансубдир. Шу билан бирга, ўзбек тилидаги камол топмоқ, касб этмоқ

каби атамалар ўзаро бирикиб, яхлит маъно англатиши, уларни ташкил этган бўлакларидан бирини алмаштирилса, соғ семаси йўқолишини айтиб ўтиш лозим бўлади.

**Хулоса ва таклифлар.** Тахлиллардан келиб чиқиб, терминлар ва терминология ҳамда бир соҳага доирасидаги терминларни икки ва ундан ортиқ тилларга

таржима қилиш борасида қуидаги хуносаларни билдириш мумкин:

Санъат терминларига доир таҳлиллардан келиб чиқиб, терминология – бирор бир илмий ёки санъат соҳасига доир терминлар жамланмаси деб ҳам, айтиш мумкин.

Назаримизда терминологиянинг вазифаси нафақат терминларни ажратиш ёки таҳлил қилишдан, балки, мақсадга эришиш ва маънони англатиш йўлида янги терминларни кашф этишдан ҳам иборат бўлади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абдуазизов А. А., Тилшунослик назариясига кириш. “Шарқ”, Т., 2010, -Б. 62.
2. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек эртакларидан модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т., 2017. 62-б.
3. Кулдашова Н.Б. Француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятлари. PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Б., 2020. –Б. 1-148.
4. Тафаккур гулшани. Тошкент, F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 159-б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. IV жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Тошкент, 2008. –Б.74.
6. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Биринчи жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Т., 2016. 587-б.
7. Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли лугатлари материаллари мисолида) PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т., 2018. –Б. 149-159.
8. Холманова Т.Ш. Нефт ва газ соҳасига оид терминларнинг инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари. Магистрлик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2013. 82 б.
9. Ҳожиев А. Ўзбек тилида сўзнинг морфологик таркиби масаласи. ЎТА, 1988, № I, –Б. 29-33.
10. Ҳожиев А., Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. “Ўқитувчи”, Т., 2007. –Б. 9-10.